

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Азимов А.Э. Таълим тизимини молиялаширишнинг хориж тажрибаси. // Современное образование (Узбекистан). 2014. №. 2. С. 17-21.
2. Шеров А.Б. Олий таълим муассасаларини молиялаширишнинг АҚШ тажрибаси. // Scientific progress. 2021. Т. 1. №. 6. С. 972-978.
3. Шарапова М.А. Таълими тизимини молиялашириш амалиётининг хориж тажрибаси. // Журнал "Иновации в Экономике". 2022. Т. 5. №. 2.
4. Rejapov X. Олий таълим тизимида хориж тажрибаси ва улардан фойдаланиш имкониятлари. // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. 2017. №. 2. С. 11-21.
5. Мажистова С.К. Современные источники финансирования высшего образования. 2017, 105-бет.
6. Джамиль С. и др. Сценарии устойчивого финансирования высшего образования. // Вестник международных организаций: образование, наука, новая экономика. 2010. Т. 5. №. 1. С. 79-96.
7. Модели финансирования вузов: анализ и оценка. / Под ред. С.А.Белякова. – М.: ИЭПП, 2005. С. 282.
8. Кулакова М.Н. Международные модели финансирования вузов и их применение для вузов России в период реформирования системы высшего образования. // Территория новых возможностей. Вестник Владивостокского государственного университета экономики и сервиса. 2011. №. 1 (10). С. 51-60.
9. Zatonatska T.H., Rozhko O.D., Lyutyy I.O., Tkachenko N.V. & Anisimova O.Y. Global Practices of Higher Education Financing: Approaches and Models. 2019.
10. Financing Higher Education Worldwide: Who Pays? Who Should Pay? by D. Bruce Johnstone and Pamela Marcucci. Baltimore: Johns Hopkins University Press, 2010. – 322 pp.
11. Birdsall N. Public spending on higher education in developing countries: too much or too little? // Economics of Education Review. 1996. Т. 15. №. 4. Р. 407-419.
12. Mingat Alain and Jee-Peng Tan. The full social returns to education: Estimates based on countries' economic growth performance. 1996.
13. Psacharopoulos G. Public Spending on Higher Education in Developing Countries: Too Much Rather Than Too Little. // Economics of Education Review. 1996. Т. 15. №. 4. Р. 421-22.
14. Pranevičienė B., Pūraitė A. The financing methods of higher education system. // Jurisprudencija. 2010. Т. 122. №. 4. Р. 335-356.
15. Barr N., Crawford I. Funding higher education in an age of expansion. // Education Economics. 1998. Т. 6. №. 1. Р. 45-70.
16. Hauptman A.M. Higher education finance: Trends and issues. // International handbook of higher education. – Springer, Dordrecht, 2007. Р. 83-106.
17. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси ахборот тизими. – [www.lex.uz](http://www.lex.uz)



### СОЛИҚДАН ҚОЧИШ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ОҚИБАТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ

**Ахмедов Феруз Баходирович -**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
мустақил тадқиқотчisi

doi: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a55](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a55)

**Аннотация.** Мазкур мақолада республикамизда сўнгги йилларда мамлакатда солиқ ва молия соҳаларида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулагай шарт-шароитлар яратиш, инвестиция мұхитини яхшилаш ҳамда бизнес доираларининг ишончини янада мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар ёритилган. Шу билан бирга, иқтисодиётда яширин айланма савдо ва умумий овқатланиш, автотранспортда ташиш, уй-жой қурилиши ва таъмирлаш, тураржой хизматларини кўрсатиш каби соҳалар ўрганилиб, хориж тажрибаси, мамлакатимизда уни қўллаш бўйича илмий-амалий ҳулоса ва таклифлар шакллантирилган.

**Калим сўзлар:** солиқ тушумлари, таҳлика-таҳлил, хавфлар, самарадорлик, рақамли платформа, усуllар ва воситалар, илғор ахборот-коммуникация технологиялари, таҳлил, оптималлаштириш, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.

### АНАЛИЗ ТЕОРЕТИЧЕСКИХ ОСНОВ УКЛОНЕНИЯ ОТ УПЛАТЫ НАЛОГОВ И ЕГО СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ ПОСЛЕДСТВИЙ

**Ахмедов Феруз Баходирович -**  
Независимый исследователь Ташкентского  
государственного экономического университета

**Аннотация.** В данной статье описаны широкомасштабные реформы, направленные на создание благоприятных условий для ведения предпринимательской деятельности в налоговой и финансовой сферах, улучшение инвестиционного климата и дальнейшее укрепление доверия деловых кругов к нашей республике за последние годы. При этом были изучены такие направления, как подпольная торговля и общепит, перевозки автотранспортом, жилищное строительство и ремонт, оказание бытовых услуг, сформированы научно-практические выводы и предложения по зарубежному опыту и его применению в нашей стране.

**Ключевые слова:** налоговые поступления, анализ, риски, эффективность, цифровая платформа, методы и инструменты, передовые информационно-коммуникационные технологии, анализ, оптимизация, налоговые льготы, налоговая ставка.

**ANALYSIS OF THEORETICAL FOUNDATIONS OF TAX EVASION AND ITS  
SOCIO-ECONOMIC CONSEQUENCES**

**Akhmedov Feruz Bakhodirovich -**

*Independent researcher of Tashkent State University of Economics*

**Annotation.** This article describes large-scale reforms aimed at creating favorable conditions for doing business in the tax and financial sectors, improving the investment climate and further strengthening the confidence of business circles in our republic in recent years. At the same time, such areas as underground trade and public catering, road transport, housing construction and repair, the provision of personal services were studied, scientific and practical conclusions and proposals were formed on foreign experience and its application in our country.

**Key words:** tax revenues, analysis, risks, efficiency, digital platform, methods and tools, advanced information and communication technologies, analysis, optimization, tax incentives, tax rate.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “молия-хўжалик фаолиятини текширишга нисбатан эълон қилинган мораторийнинг муддати тугагани, лекин бу яна эски усулда ёппасига текшир-текширларни бошлаб юбориш мумкин дегани эмаслиги, 2020 йилнинг биринчи чорагида, илфор тажрибалар асосида, барча даражадаги назорат қилувчи идораларда янги замонавий тизим жорий этилиши шартлиги”ни қайд этди[20].

Бугунги кунда хуфиёна иқтисодиётга қарши кураш дунёнинг қўплаб мамлакатларида долзарб муаммолардан бири сифатида сақланиб қолмоқда. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётida ҳам хуфиёна иқтисодиётнинг кўлами юқори даражада сақланиб қолмоқда. Бундан ташқари хуфиёна иқтисодиёт нафақат ижтимоий-иктисодий тузилмалар, жамиятдаги иқтисодий муносабатларни ўз ичига оловчи мураккаб ижтимоий-иктисодий воқелик, балки аввало, жамият томонидан назорат қилиб бўлмайдиган, мамлакат аҳолисининг бир қисмини ташкил қилувчиларнинг шахсий ва гурухий манфаатларини қондириш, яъни катта миқдорда кўшимча даромад (фойда) олишни кўзлаб, давлат органлари бошқаруви ва назоратидан яширган ҳолда, давлат ва нодавлат мулкидан ҳамда иқтисодий бойлик, тадбиркорлик қобилиятидан жиноий йўл билан фойдаланишdir. У ошкор расмий иқтисодиёт билан чамбарчас боғланган бўлиб, унинг таркибий қисмидир. Ҳар бир яширин фаолият бирбиридан тубдан фарқ қиласди. Шунинг учун ҳам яширин иқтисодиёт муаммоларини ҳал қилиш учун унинг асосий соҳа ва сегментларини кўрсатиб ўтиш лозим. Бу борада Иқтисодий ҳамкорлик ва таракқиёт ташкилоти томонидан илгари сурилаётган янги лойиҳаларнинг ишлаб чиқилиши мазкур мавзунинг долзарблигини билдиради.

**Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.**  
Ж.Шумпетер (2007) икки турга бўлинишни таклиф қиласди: ишлаб чиқаришда мумкин бўлган техник носозлик билан боғлиқ хавф ва тижорат

муваффақиятининг етишмаслиги билан боғлиқ хавф.

А.К.Покровский (2011) кўриб чиқиши учун хавфнинг таркибий хусусиятларини таклиф қиласди: хавф, хавфга мойиллик, хавфга сезгирилик (заифлик), бошқа хавф-хатарлар билан ўзаро таъсир қилиш, хавф ҳақида мавжуд маълумотлар, хавф миқдори, хавф билан боғлиқ харажатлар (харажатлар), ўзига хослик хавфлар.

Швециялик иқтисодчи олим К.F.Becker (2004) томонидан хуфиёна иқтисодиётнинг ўзига хослиги, норасмий иқтисодиёт – бозор иқтисодиётининг назорат қилиб бўлмайдиган қисми эканлиги таъкидланиб, улар рағбатлантиришнинг бошқа шаклларига асосан товарлар ишлаб чиқаришлари ва хизматлар кўрсатишларини маълум қилган.

Аронов, Кашин (2004) ўз тадқиқотларида эса солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг хориж ва Россия Федерациясида ундириш механизмини ўрганганд ҳолда, солиқ тўлашдан бош тортган солиқ тўловчилар билан ишлаш сиёсати, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, келгусида ҳар бир солиқ тўловчи ўз хоҳиши билан солиқ тўлаш мажбурияти бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқишган ҳамда ушбу тавсияларни солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш соҳасида кўллаб, уни исботлашган ва бир қатор амалий чораларни амалга оширишган.

Лекин Жалонкинанинг (2012) фикрларидан бутунлай бошқача таклиф билан Тошматов “Корхоналарни ривожлантиришда солиқларнинг роли тўғрисида”ги китобида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини рағбатлантириш ҳамда уларнинг дебитор ва кредитор қарзларини қисқартириш ва уларнинг фаоллигини ошириш орқали ундириш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий тавсиялар берган.

Андреева (2017) томонидан солиқ тўловчилар томонидан солиқ интизомига риоя қилинmaslik сабаблари тадқиқ қилинган, солиқقا оид билимларни оширишга оид усуллари таҳлил қилиниб, солиқ тўловчиларга давлат ҳамко-

ри сифатида хизматни такомиллаштириш усуллари таклиф қилинган.

Кузнецовнинг (2016) фикрига кўра, солиқ тўловчи давлатнинг ҳамкори, буни солиқ органлари ходимлари томонидан тушуниб етмасдан, ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг солиқ саводхонлиги ва маданиятини ошириб бўлмаслиги, Калачева томонидан солиқقا оид ҳуқуқбузарликка қарши курашиш орқали аҳолининг солиқ маданиятини ошириш юзасидан тадқиқот олиб бориб, солиқ маданиятини оширишга тўсиқ бўлаётган омиллар ва асосий муаммолар тадқиқ этилган.

**Тадқиқот методологияси.** Таҳлил жараёнида маълумотларни статистик гурухлаш, қиёсий ва трендили таҳлил усусларидан фойдаланилди. Мақолада иқтисодчи олимларнинг давлат молия тизимининг долзарб масалаларидан бири сифатида солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг стратегик ва тактик йўналишлари билан боғлиқ илмий тадқиқот усусларидан кенг фойдаланилиб, таҳлил қилинган.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Жамиятнинг иқтисодий бўғини бир маромда боришини таъминлаш давлат ҳокимияти томонидан юридик ва жисмоний шахсларга жамият манфаатларидан келиб чиқиб, улар зиммасига бир қатор мажбуриятлар юклатилади. Бу мажбуриятлар ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий ва иқтисодий шаклларда бўлиб, иқтисодий мажбуриятлар сирасига ноқонуний пул бирликларини ишлаб чиқмаслик, ноқонуний бошқа фаолият билан шуғулланмаслик, эркин тадбиркорлик фаолиятини очиқ шаклда ва давлат рўйхатидан ўтган ҳолда амалга ошириш, умумжамият манфаатлари учун қонуний ва мажбурий тартибда жорий қилинган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни солиқقا тортишнинг адолатлилик тамойилидан келиб чиқиб, ўз вақтида давлат бюджети ва бошқа фондларга тўлаб бориш каби иқтисодий-ҳуқуқий мажбуриятлардан иборат бўлади. Аксарият давлатлар бу каби мажбуриятларни уларнинг бош қомуси – Конституциясида белгилаб ҳам қўяди. Ўзбекистон Республикасида эса унинг Конституциясининг 51-моддасида қўйидаги мазмунда “Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар”[18], Ўзбекистон Республикасининг янги таҳrirдаги Солиқ кодексининг Мажбурийлик принципи деб номланган 8-моддасида эса “ҳар бир шахс ушбу Кодексда белгиланган солиқлар ва унда назарда тутилган йиғимларни тўлаши шарт. Ҳеч кимга солиқлар ва йиғимларнинг барча аломатларига эга бўлган, бироқ ушбу Кодексда назарда тутилмаган ёхуд унинг нормалари бузилган ҳолда белги-

ланган солиқлар ва йиғимларни тўлаш мажбурияти юклатилиши мумкин эмас”[19] деб белгилаб қўйилган бўлиб, унда юридик ва жисмоний шахсларга Конституцияда юклатилган иқтисодий-молиявий мажбуриятларнинг мантиқий давоми сифатида бу каби мажбуриятларни оғирлаштирувчи ҳолатларга олиб келмасликнинг маълум бир чегараси ҳам белгилаб қўйилган. Бундай чекловлар сифатида Солиқ кодексининг 10-моддасида “Фуқароларнинг ўз конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишига тўсқинлик қиласидаги солиқларни белгилашга йўл қўйилмайди” мазмунидаги солиқ тўловчиларнинг манфаатларини ҳимояловчи нормалар ҳам киритилганки, солиқ тўловчиларга юклатилган молиявий мажбуриятлар адолатлилик принциplerидан чиқиб кетиб, жамиятга, айниқса, давлат бюджетига иқтисодий зарар келишининг олдини олишга эришиш асосий мақсад қилиб олинган.

Келтирилган 1-расмдан кўриш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларига, шунингдек, муддатли норезидентларига солиқларни тўлаш ва у билан боғлиқ молиявий-иктисодий мажбуриятлар юклатилган. Ушбу молиявий мажбуриятларни улар томонидан белгиланган тартибда бажармаслик, албатта, молиявий-ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқаради. Бажармаслик ҳолатининг юзага келиши эса уни талқин қилишнинг бир неча турлари пайдо бўлишига олиб келади. Иқтисодий адабиётларда бу тушунчаларни “солиқдан қочиш”, “солиқдан бўйин товлаш”, “солиқقا оид ҳуқуқбузарлик”, “молиявий қонунбузилишлар”, “солиққа оид хатоликлар” ва шу каби маҳсус иқтисодий категория ва тушунчалар билан изоҳланади.

Бундан ташқари солиқларни режалаштириш ва солиқларни мақбуллаштириш (оптимальлаштириш) деган жараёнлар ҳам борки, уларни ҳам айрим ҳолларда солиқларни тўламаслик ҳолати деб тушунтиришлар ҳам учрайди (бу ҳақда кейинги параграфда тўхталиб ўтилади), мазмунан олиб қаралган солиқларни мақбуллаштириш солиқ тўловчининг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий нормаларга асосланиб, қанчалик солиқдан камроқ тўлаш имкониятидан фойдаланиш ҳисобланади. Бунда давлат бюджети манфаатларини инкор қилмаган ҳолда солиқ тўловчининг ўз манфаатлари устунлик тамойилидан келиб чиқиб, алоҳида молиявий сиёсатнинг ишлаб чиқилишидир.

Шу жиҳатдан олганда, солиқдан қочиш ва уни тўламасликнинг турли хил кўринишлари солиқقا оид ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Ўзбекистон қонунчилигига юридик ва жисмоний шахсларга юклатилган молиявий мажбуриятлар таснифи




**1-расм. Ўзбекистон қонунчилигига юридик ва жисмоний шахсларга юклатилган молиявий мажбуриятлар таснифи**

**Манба:** Амалдаги қонунчилик хужжатлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Албатта, бу ерда солиқقا оид хукуқий муносабатлар дейилганда, солиқларни тўламаслик билан боғлиқ ҳолатлар учун жавобгарлик чораларидан огохлантириш ва хукуқий масалаҳатлар бериш билан боғлиқ тарғибот ишлари ҳам тушунладики, аммо молиявий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари солиқقا оид хукуқбузарлиқдан келиб чиқиб қўлланилади.

Агар иқтисодий, хукуқий ва мантиқий ёндашиладиган бўлса, “солиқдан қочиш”, “солиқдан бўйин товлаш”, “солиқقا оид хукуқбузарлик”, “молиявий қонунбузилишлар”, “солиқقا оид хатоликлар”нинг замирида бир неча омиллар мавжуд бўлади. Буларнинг бош омили иқтисодий эгоизм психологик ҳолатидир. Биз буни куйидаги расм орқали тушунтиришга ҳаракат қиласиз.



**2-расм. Жамиятда солик тўлашдан бўйин товлашнинг коцептуал-ижтимоий асослари**

**Манба:** Муаллиф томонидан тузилган.

Ушбу келтирилган расмдан хулоса қилиш мумкинки, жамиятнинг иқтисодий-хукуқий муносабатларида солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг коцептуал-ижтимоий асосларини эгоизм ташкил қиласди. Фалсафий ва мантиқий ҳамда иқтисодий жиҳатдан олиб қаралгандা, давлат ва солиқ тўловчиларнинг ўзига хос манфаатлари мавжуд бўлиб, уларнинг ўзаро кесишини таъминлашда солиқ категорияси муҳим саналади. Бунда солиқ тўловчиларга юклатилган қонуний мажбуриятлар ҳамда давлатнинг турли хил пул фондларини молиявий шакллантириш борасида икки хил эгоистик манфаатлар кесишувини таъминлаш давлатнинг асосий иқтисодий функциялари сифатида амал қиласди.

Эгоистик манфаатлар икки томонлама хусусиятга эга бўлиб, солиқ тўловчиларда бу ҳолат кўпроқ бўлганлиги сабабли ҳам солиқдан қочиш ҳолатлари юзага кела бошлади. Давлат фаолиятини қонунлар орқали тартибласа, солиқ тўловчилар эса кўпроқ эгоистик фикрлаш орқали фаолиятини тартиблайди, бундан кўринадики, солиқдан бўйин товлашда солиқ тўловчиларнинг бир томонлама манфаатлар борасидаги хатти-ҳаракати солиқдан бўйин товлашнинг турли хил кўринишлари ва шаклларининг келиб чиқишига замин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 22-моддасига мувофиқ, солиқ тўловчилар зиммасига яна бир қатор молиявий мажбуриятлар ("хужжатларни кўриб чиқиши ёки тушунтиришлар бериш зарурати тўғрисида чақирив хатини олганида, солиқ органига келиши, солиқ текширувани ўтказаётган солиқ органларининг мансабдор шахсларига солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун асос бўлиб хизмат қиласди-

ган ҳужжатлар, шунингдек, электрон манбаларда сақланадиган тегишли ахборот билан танишиш имкониятини таъминлаши, ўзи солиқ бўйича ҳисобга олинган жойдаги солиқ органларини Ўзбекистон Республикаси юридик шахсларидаги ва чет эл юридик шахсларидаги иштироки тўғрисида, агар устав фондидаги (устав капиталидаги) улуши 10 фоиздан ортиқ бўлса, хабардор этиши" [17] ва шу кабилар) юклатилган бўлиб, бу мажбуриятларни бажармаслик уларнинг зиммасига юклатилган солиқ мажбуриятларини тўлиқ бажармасликка олиб келади, бу эса кўплаб ҳукуқий муносабатларни келтириб чиқариши мумкин.

### **Хулоса ва таклифлар:**

1. Юридик шахслар билан жисмоний шахслар ўртасида предмети ишлар бажаришдан иборат бўлган, тузилган фуқаролик-хукуқий тусдаги шартномаларга мувофиқ, жисмоний шахсларга амалга оширилган тўловларга ишлатилган материаллар нархи ҳам қўшилган бўлса, ушбу ЖШнинг тадбиркорлик фаолияти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ва тегишли солиқлар ҳисобланишини текшириш.

2. Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржаси ўртасида ҳар бир биржа савдолари якупнари юзасидан он-лайн равишда маълумот алмашиниши тизимини йўлга қўйиш.

3. Фаолият кўрсатмаётган ёки электрон ҳисобварақ-фактура тизимидан фойдаланилмаётган ҳамда он-лайн назорат-касса машиналари билан жиҳозланмаган тадбиркорлик субъектлари ҳамда якка тартиbdаги тадбиркорларнинг биржа савдоларида иштирокини чеклаш механизмини жорий этиш.

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- Нормурзаев У. Ҳукуматимиз томонидан солиқ маъмурчилиги бўйича 2018-2022 йилларда амалга оширилган солиқ инновацион технологиялар, 2022, 10(5), 325-330. [https://doi.org/10.55439/EIT/vol10\\_iss5/a35](https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss5/a35)
- Нормурзаев У. Анализ эффективности налоговых льгот и преференций в поддержке определенных секторов с целью дальнейшего повышения инвестиционной привлекательности в Узбекистане. // Экономика и образование, 2021, (6), 82-86. Извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/285>
- Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Т.: Faafur Fулом нашриёт уйи, 2020. – 640 б.
- Шумпетер Й. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия. / Й.Шумпетер. – М.: Изд-во Эксмо, 2007. – 864 с.
- Покровский А.К. Риск-менеджмент на предприятиях промышленности и транспорта. Учеб. пособие. / А.К.Покровский. – М.: Изд-во Кнорус, 2011. – 160 с.
- Kristina F.B. "The Informal Economy" march 2004, Шведский Международный агентство сотрудничества развития SE-105 25 Стокгольма Швеция.
- Аронов А. ва Кашин В. Налоги и налогообложение. – М.: Магистр, 2007.
- Жалонкина И. Модернизация механизмов взыскания налоговой задолженности в Российской Федерации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. 2012. С. 14.
- Андреева В.А. Повышение налоговой грамотности и культуры участников налоговых правоотношений. // Экономика Интерактивная наука. 4 (14), 2017. Стр. 136-140.
- Кузнецов А.Л. Налоговая политика и налоговые органы: реальное состояние, проблемы, перспективы (региональный аспект) 2016 [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://vasilieva.narod.ru/zhurnal/>
- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари. [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz).
- Исаев Ф. Ресурс солиқлари таҳлилини ташкил этиши методикаси. [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss5/a30](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a30) // Экономика и образование. 2022. Т. 23. №. 5. С. 171-176.
- Isayev F. Мол-мulkни солиқка тортисини тақомиллаштириш. // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. 2021. 6-son. 326-333-b.
- Isaev F. I. Tax Accounting: Theory and Practice. // International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. 2022. T. 9. №. 12. P. 30-38.

15. Isaev F. Concept of economic analisys and its structural components. // International Journal of Marketing and Technology. 7.12 (2017): 1-13.
16. Isaev F. Analysis of the profit tax and its improvement. // International Journal of Research in Social Sciences. 7.12 (2017): 74-85.
17. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 22-моддаси.
18. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддаси. <https://constitution.uz/uz/clause/index>
19. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси. 7-моддаси. lex.uz.
20. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/3324>(Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis in 2020 25 January).
21. Jumaev Nadir Hosiyatovich, Rizaev Nurbek Kadirovich, & Isaev Fakhreddin Ikromovich. (2023). ORGANIZATION OF TURKIC STATES: INTEROPERATION AND ACCOUNTING SYSTEM. British Journal of Global Ecology and Sustainable Development, 13, 116–129. Retrieved from <https://journalzone.org/index.php/bjgesd/article/view/245>
22. Isaev, F. (2021). Мол-мулкни солиққа тортишни тақомиллаштириш. Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar, (6), 326–333. Retrieved from [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/12224](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224)
23. Исаев, Ф. (2022). РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ. Iqtisodiyot Va ta'lim, 23(5), 171–176. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/742>



### ФОЙДАНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ КАФОЛАТИ СИФАТИДА

doi: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a56](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a56)

Ахроров Зариф Орипович –  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
«Молия» кафедраси доценти в.б., PhD

Аззамов Аваҳзон Талғатович –  
Тошкент давлат иқтисодиётуниверситети “Солиқлар ва  
сүгурта иши” кафедраси доценти, PhD

**Аннотация.** Замонавий иқтисодий шароитларда жаҳоннинг аксарият мамлакатлари ривожланишининг инновацион йўлидан бормоқда ва бунинг учун турли молиявий ва номолиявий воситалардан фойдаланмоқда. Бундай молиявий воситалардан бири фойда солиги бўлиб, у ўз навбатида давлат, корхоналар ва аҳоли манфаатларини ўйғунлаштириши объекти ҳисобланади. Шу сабабли ушбу тадқиқот бир томондан давлат, иккинчи томондан алоҳида корхоналарнинг инновацион ривожланишида инвестицияларнинг кириб келишига мослашган фойда солиги унифиқациялашган тизимини шакллантириш таҳлилига қаратилган. Бугунги кунга келиб, солиқ имтиёзлари, солиқ кредити, давлат томонидан субсидиялаш каби инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантириши воситаларидан фойдаланилмоқда, аммо амалиёт шуну кўрсатмоқдаки, уларнинг ҳаммаси ҳам керакли самарани бермаётир. Фойданни солиққа тортишнинг унифиқациялашган тизимини шакллантириши инновацион ривожланиш учун инвестицияларни рағбатлантиришининг молиявий механизмидан синергетик самара яратади.

**Калим сўзлар:** фойда, фойда солиги, рағбатлантириш, корхона, молиявий фаолият, инвестиция, инновация, унифиқация, синергетик самара.

### СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ НА ПРИБЫЛЬ КАК ГАРАНТИЯ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНВЕСТИЦИЙ В ЭКОНОМИКУ СТРАНЫ

Ахроров Зариф Орипович –  
и.о. доцент кафедры «Финансы» Самаркандинского  
института экономики и сервиса, PhD

Аззамов Аваҳзон Талғатович –  
доцент кафедры «Налоги и страхование» Ташкентского  
государственного экономического университета, PhD

**Аннотация.** В современных экономических условиях большинство стран мира движется по инновационному пути развития и использует для этого различные финансовые и нефинансовые инструменты. Одним из таких финансовых инструментов является налог на прибыль, который в свою очередь является объектом сочетания интересов государства, предприятий и населения. Поэтому данное исследование направлено именно на анализ формирования унифицированной системы налога на прибыль, способствующей притоку инвестиций в инновационное развитие, как государства, так и отдельного предприятия. На сегодняшний день применяется большое количество инструментов финансового стимулирования инновационной деятельности, таких как налоговые льготы, кредиты, субсидирование со стороны государства, однако, практика показывает, что далеко не все они дают нужный эффект. Формирование унифицированной системы налогообложения прибыли позволит создать синергетический эффект от финансового механизма стимулирования вложения инвестиций в инновационное развитие.

**Ключевые слова:** прибыль, налог на прибыль, стимулирование, предприятие, финансовая деятельность, инвестиции, инновации, унифиқация, синергетический эффект.